

АҲОЛИ ТУРЛИ ҚАТЛАМЛАРИНИНГ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ВА ЖИНОЯТЧИЛИКНИ ОЛДИНИ ОЛИШДАГИ РОЛИ

Шахризод Шокиров

**“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари
институтини” Миллий тадқиқот университети
Бухоро табиий ресурсларни бошқариш
институтини мустақил тадқиқотчиси**
<https://doi.org/10.5281/zenodo.8245464>

Кейинги йилларда мамлакатимизда дастлаб Ҳаракатлар стратегиясидан бошланган чуқур ислохотлар Тараққиёт стратегияси доирасида янада ривожлантирилди. Бугунги кунда “Ўзбекистон - 2030” стратегиясини амалга ошириш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар бевосита “Инсон қадрини устувор бўлган жамият ва халқпарвар давлат” ғоясида ўзнинг амалий ифодасини топпоқда.

Инсон қадрини улуғлаш, ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг бош йўналишига айланди. Шунингдек, инсон ҳуқуқларини таъсифлаш, давлат органларининг ҳисобдорлиги ва очиқлигини кучайтириш ҳамда фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситаларининг роли, аҳоли ва жамоат бирлашмаларининг сиёсий фаоллигини ошириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди.

Хусусан, жамоатчилик фикрини шакллантирган аҳоли мурожаатлари билан ишлаш жараёнида янги механизмлар татбиқ этилди. Бунда, қонун устуворлигини таъминлаш аҳолини қийнаб келаётган ижтимоий муаммолар ечимини топишда ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишда жамоатчилик фикрининг роли ва аҳоли ўртасида очиқ ва шаффоф мулоқот таъминланиб келинмоқда.

Мамлакатимизда 2023 йил 30 апрелда ўтказилган референдумда умумхалқ овоз бериш орқали Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституцияси қабул қилинганлиги Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг конституциявий асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилди. Халқимизнинг эркин ва фаровон, қудратли Янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича хоҳиш-иродасини рўёбга чиқариш, ҳар бир фуқарога ўз салоҳиятини ривожлантириш учун барча имкониятларни яратиш, соғлом, билимли ва маънавий баркамол авлодни тарбиялаш, глобал ишлаб чиқаришнинг муҳим бўғинига айланган кучли иқтисодиётни шакллантириш, адолат, қонун устуворлиги, хавфсизлик ва барқарорликни кафолатли таъминлашга хизмат қилади.

Шунингдек, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясини амалга ошириш жараёнида орттирилган тажриба ва жамоатчилик муҳокамаси натижалари асосида ишлаб чиқилган “Ўзбекистон – 2030” стратегияси лойиҳасида қуйидаги йўналишлар устувор этиб белгиланган:

- ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши учун муносиб шароитларни яратиш (44 мақсад);
- барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш (17 мақсад);
- сув ресурсларини тежаш ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш (12 мақсад);

- қонун устуворлигини таъминлаш, халқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш (16 мақсад);
- мамлакатни хавфсиз ва тинчликсевар давлатга айлантириш ишларини давом эттириш (11 мақсад).

Албатта бу йўналишлар Янги Ўзбекистонда “Инсон қадрини юксалтириш тамойили” асосида қурилди¹. Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганларидек: “Инсон – давлат ва жамият учун мақсадга эришиш воситаси эмас, аксинча, ана шу мақсаднинг бош мазмуни ва манбаи ҳамда энг олий қадрияти бўлиши лозим. Биз барпо этаётган Янги Ўзбекистон учун инсон қадри ва халқ манфаати, ҳамма нарсадан устундир”². “Стратегия – 2030” лойиҳасида 5 устувор йўналиш бўйича “Инсон қадри учун 100 та мақсад” белгилаб олинди. “Давлат халқ хизматчиси” тамойили остида аҳоли муурожаатлари билан ишлаш ҳолатини назоратга олиш, жойларда амалга оширилган ишлар натижасига мувофиқ уларга таъсирчан чоралар кўриш механизмларини ишга тушириш долзарблашди.

Бундан кўриладики, Янги Ўзбекистон жамиятида инсон қадри юксалтирилиши, улуғланиши ва ҳар бир инсоннинг ҳаётда муносиб ўрин топиши стратегик мақсад сифатида кун тартибига чиқиб бўлди. Инсон қадри тушунчаси бу - халқнинг давлат ва жамият олдидаги ўрни, роли ва нуфузини ошириш учун давлат ташкилоти вакиллари томонидан қилиниладиган сай-ҳаракатлар мажмуи сифатида талқин қилинади.

Мутахассисларнинг эътирофига кўра бугунги кунда мамлакатимизда жамоатчилик фикрини самаралироқ ифода этилиши махсус миллий фуқаролик институтлари ҳисобига тўғри келмоқда. Албатта бу борада оммавий ахборот воситалари анчагина самарали таъсирга эга. Айнан Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуслари билан кейинги йилларда оммавий ахборот воситалари халқ билан мулоқотнинг ишончли кўпригига айланиб бормоқда. Президентимиз Ўзбекистонда медиа компаниялар жаҳон ахборот майдонида муносиб ўрин эгаллаб, глобал сиёсий ижтимоий жараёнларда фаол иштирок этишга интилаётгани, бунинг учун тинимсиз меҳнат қилиш, илғор хорижий тажрибалар, замонавий ахборот технологиялари, серқирра таҳлил усуларини ўзлаштириш, доимий изланиб яшаш, миллий журналистиканинг янги авлодини тарбиялаш зарурлигини қайд этди³. Фуқаролар учун ахборот соҳасида қўллаш борасида қулай имкониятлар яратиш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда оммавий ахборот воситаларининг роли ва таъсирини кучайтириш устувор вазифага айланди.

Оммавий ахборот воситалари ходимларининг ўз фаолиятини қонун доирасида эркин амалга оширишга тўсқинлик қилиш бу демократик ислохотларимизга қарши ҳаракат, мамлакатимизнинг обрўсига путур етказиш сифатида баҳоланди. Суд ва прокуратура органларига бундай салбий ҳолатлар бўйича қатъий чора кўриш топширилди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 2022 йил 28 январдаги ПФ 60 сонли Фармони. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон).

² <https://review.uz/oz/post/prezident-shavkat-mirziyoyev-ozbekiston-respublikasi-konstituciyasiga-ozgartirish-kiritish-borasida-takliflar-berdi>

³ Президент Шавкат Мирзиёевнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табриги. 27.06.2022. <https://president.uz/uz/lists/view/5294>

Жамоатчилик фикри билан ишлаш самарадорлиги баланд бўлган фуқаролик институтларидан бири блогерлар бўлиб қолмоқда. Блогер – хабар ва материалларни тўплаш, таҳлил қилиш, таҳрирлаш, тайёрлаш ва тарқатиш билан шуғулланувчи ҳамда муҳокама қилиши учун Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтига ва (ёки) веб-сайт саҳифасига жойлаштирувчи жисмоний шахс ҳисобланади.

Блогерлар кундалик воқеаларга ижтимоий тармоқлар орқали муносабатини очиқ билдириб борадиган кишилар сифатида жамоатчилик фикрини ифодалашнинг замонавий ва долзарб усулига айланди. Шу боис, бугунги кунда блогерлар халқ вакили мақомини эгалламоқда ва жамоатчилик фикрини ифодалашда эркинлик тамойилларини мустаҳкамланишига хизмат қилмоқда. Блогерлар маҳаллий аҳолининг долзарб муаммоларини зудлик билан аниқлаш, жамиятда шаффофликни таъминлаш жараёнларида фаол иштирок этсада, уларнинг маҳаллий ҳокимият органлари, мутасадди вазирликлар ва идоралар билан ҳамкорлик механизмларини кучайтириш долзарблигича қолмоқда. Бугунги кунда журналистлар билан блогерлар ўртасида фарқ ва ўхшашлик амалий тарзда кенг омма учун ҳали у қадар ойдинлашгани йўқ. Шундай бўлсада айрим блогерлар жамиятимиздаги муаммо ва масалаларни ечишда баъзи журналистлардан фаоллик кўрсатмоқда.

Мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тизимини янада такомиллаштиришдан мақсад – маҳалаларнинг жамият бошқарувидаги ўрни ва фаолияти самарадорлигини ошириш, фуқаролар йиғинлари ишини ташкил этишнинг замонавий механизмларини жорий қилиш, маҳалла институтини аҳолига энг яқин ва халқчил тузилмага айлантириш, фуқаролар йиғинларининг манфаатларини ифода этадиган уюшмага бирлашиш ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда давлат органлари ва ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишда жамоатчилик фикрининг роли билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш ишлари амалга оширилмоқда.

Маҳаллаларда ва оилаларда ижтимоий муҳитни ўрганиш ва аниқланган муаммоларни ҳал этиш борасида жамоатчилик назоратини амалга ошириш механизмларини ривожлантириш мақсадида фуқаролар йиғинларида “Ота-оналар университети” жамоатчилик тузилмаси йўлга қўйилди. Унда маҳалладаги оилаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигига салбий таъсир кўрсатувчи ҳолатларнинг олдини олишга кўмаклашиш учун аҳоли билан яқиндан ишланмоқда.

“Аёллар маслаҳат кенгаши” эса хотин-қизларнинг, айниқса, «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларнинг муаммолари ўз вақтида бартараф этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш масъулиятига эга. “Кексалар маслаҳати” гуруҳи ҳудудда аҳолига хизмат кўрсатувчи ташкилот ва идоралар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти устидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жамоатчилик назоратини ўрнатишда маҳаллаларга кўмаклашмоқда. Гуруҳ таркибига ижтимоий фаол, маҳаллада обрў-эътиборли, бошқаларга ибрат бўладиган кекса авлод вакиллари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг нафақадаги ходимлари киритилди.

Фуқаролар йиғинининг ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва жамоатчилик назорати бўйича комиссиясининг фаолиятини ташкил этиш фуқароларнинг шаъни ва кадр-қиммати камситилишига, ҳуқуқ ва эркинликларининг поймол этилишига йўл қўймасликка

қаратилди. зеро, Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганларидек: “Яна бир инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқат борки, фуқароларда ҳам ислохотларга нисбатан дахлдорлик ҳисси шаклланиши керак. Ана шундагина кўзлаган мақсадларга эришиб, олдимизга қўйилган вазифаларнинг тўлиқ уддасидан чиқамиз. Бу жараёнда кучли ва таъсирчан жамоатчилик назоратининг ўрни беқиёсдир”⁴. Ушбу ташкилотлар ва фуқаролик институтларининг таъсирчанлик даражасини ўрганганда сиёсий партиялар, диний муассасалар, оммавий ахборот воситалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари етакчилик қилмоқда.

Ҳуқуқбузарлик ва жинойтчиликнинг олдини олишда жамоатчилик фикрини шакллантиришда сиёсий партиялар роли ошиб бормоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда бешта сиёсий партия Экологик партия, ХДП, ЎзЛиДеп, “Миллий тикланиш” ва “Адолат” партиялари жамиятда ижтимоий адолат тамойилларини тантанасига хизмат қилади. Ушбу партиялар аҳолининг сиёсий ва ижтимоий иродаларини намоён этишга интилади.

Жамоатчилик фикрига кўра диний идоралар ҳуқуқбузарлик ва жинойтчиликнинг олдини олиш борасида жамоатчилик фикрини шакллантиришда тобора муҳим ўрин эгаллаб бормоқда. Замонавий ахборот маконида диний-маърифий журналистика йўналишида ҳам катта ўзгаришлар бўлиб, диний билими етук кадрларига эҳтиёж сезилмоқда. Қайд этиш лозимки, мамлакатимизда диний идоранинг аввал қабул қилинган ва ижрога йўналтирилган ҳужжатларида масжидларда фаолият юритаётган имом-хатиб ва ноиблар Ўзбекистон мусулмонлари идораси талаблари, амалдаги қонунчилик, одоб-ахлоқ қоидалари, меҳнат мажбуриятларига амал қилиш ҳамда ижтимоий тармоқлардаги чиқишларида диний асосда адоват қўзғатувчи ахборот тарқатмаслик, ноҳолис ва салбий мазмундаги кескин мунозараларга сабаб бўлувчи чиқиш қилмаслик талаблари қатъий белгилаб қўйилган.

Ушбу талаблар асносида ижтимоий тармоқ орқали имомлик мақоми ва амалдаги қонун-қоидаларга зид бўлмаган ҳолда фаолият юритиш оммалашмоқда. Ўзбекистон мусулмонлари идорасида бугун ахборот маконида диний йўналишида кузатилаётган мураккаб шароит ва турли хуружлар даврида барча имом-хатиблар, ноиблар ва тизим вакилларида аҳоли орасида маърифий Ислом ғояларини кенг тарғиб этиш, тинчлик-осойишталик ва ижтимоий барқарорликни таъминлаш, миллатлар ва элатлар ўртасидаги бағрикенгликни, фуқаролар орасида ўзаро меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлаш ҳамда амалдаги қонунчиликка қатъий риоя этишни фаолиятнинг устувор йўналишлари сифатида ўрнатилган.

References:

1. Мирзиёев Ш.М. Конституциявий ислохотларимизнинг бош мақсади – инсон қадри, халқ манфаатини амалда таъминлашдир. ЎЗА, <https://uza.uz/posts/383081>.

⁴ Маҳаллалар ва оилаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш — кечиктириб бўлмайдиган масала. <https://xs.uz/uzkr/post/mahallalar-va-oilalarda-izhtimoiy-manavij-muhit-barqarorligini-taminlash-kechiktirib-bolmajdigan-masala>.

2. Президент Шавкат Мирзиёевнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табриги. 27.06.2022. <https://president.uz/uz/lists/view/5294>.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 2022 йил 28 январдаги ПФ 60 сонли Фармони. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон).
4. Жўраев С.А. Ижтимоий давлат деганда нимани тушунамиз? Ёхуд ижтимоий давлатчилик тажрибасини илгари сурган давлатлардаги катта ижтимоий ўзгаришлар хусусида. Жамият, 14.06.2022.
5. Маҳаллалар ва оилаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш — кечиктириб бўлмайдиган масала. <https://xs.uz/uzkr/post/mahallalar-va-oilalarda-izhtimoiy-manavij-muhit-barqarorligini-taminlash-kechiktirib-bolmajdigan-masala>.

